гынан зытторға олиб, иккінчи иши «Органик қимәвіннің  
китобини әзіз тұтады. Бу, Россияда яратылған

бірнеше дарсларын зи.

Менделеевнинг илмий фаолиятыннан үздік қимәвін  
сақтауда көрсеткіштіктердің өзінде 500 дан  
ошык ишларыннан асосин қисмет қимәві, кимес техноло-  
гиясы, физика, метрология, метеорология, қышлоқ  
хўжалиғы, иқтисод, халқ мәорифи ва башқа соңа-  
ларға оидид. Буюк олимнинг «Сүйвлі эрититаларын  
солиширма оғырланағы қараб текшириши», «Спирт-  
тіннег суб билан бирнешінші ҳақидағы асарлары ало-  
хидда адамиятта шаға. Шүнгінде, «Қайнашын абсо-  
лют температурасы» (әзіз «Критик температура»  
деб жортилді) кашfiёттіннег бир қисмы ҳам үннинг  
хизметидары.

Менделеев үзіннинг «Кимәвін асарларыннан қитобидан  
анорганик қимәвін биринчи марта даврій қонун  
нұктан назаридан илмий таҳлил қылды.

Менделеев Россия ишлаб чиқарыши күчларыннан  
үрнегінде күп күч сарфлады, она-Батаныннинг кел-  
жакда ырык индустріял мамлакатта алғаныннан  
олдидан күрабилди. У бир неча бор Боку нефть  
конларда бўлиб, нефть ишларыннан қиқтисодири ва  
техник имкониятларыннан үрганды Ватаннаныз нефть  
саноатын ривожланышида фоал қатанашды. Олим  
бираңын бўлиб Бонкудаг Қора деңгиз [Ботумига]  
нефть қуруларыннан үтказыши зарурлигини ҳам күр-  
сатди. Үннин ташаббуси билан Боку нефтидан ёгла  
материаллары ва крекинг-керосин олиш нўлга кў-  
йилди.

1883 йылда Менделеев тошкүмірни ер остида  
газга айлантиришдек ниҳоятда катта ғояннан олга  
сурди. Бу тоға кейінчалык В. И. Ленин томонидан  
қизғин кўллаб-куватлани. Мазкур усул ҳозир  
мамлакаттамизда көнг кўлланыла. Олим старото-  
сфера ва ғавода сузын [учыш] проблемасы билан  
шагууланды. Стратостат яратыш ғоясина қизғин  
тарғиб қылди.

Тўқсонничек йилларыннан бошида Менделеев по-  
рохнинг тутиңсиз — пироколлодийли янги түрнин  
кашф этди ва Россияда уни ишлаб чиқарыши нўлга  
кўйди. У Урал металургия заводларда бўлиб,  
кўпгина тавсиялар билан чиқди. «1899 йылда Урал  
тимир саноатын ырык асарда маъданлардан бево-  
сити темир ва пўлат акратиб олини имкониятларыннан  
күрсатиб берди. Олим қишлоқ хўжалигига оид  
тарғиб қылди. Фан асосларыннан ҳам яхши билар эди. Туп-  
роқшуннослик, агрохимия ва дәхқончиликнинг кўп-  
гина мұхим масалалари билан бевосита шугул-  
ланы.

Менделеев генетик тупроқшуннослик фанн асосини  
си профессор В. В. Докучаев билан әнг яқин дүст  
ва маслашағачи ти. Эркин қиқтисодири жамият альянс  
сифатида Докучаевнинг рус қора тупроқларини  
тешкириша яқындан ёрдам берди. Лаборатория-  
ларда кўплаб тупрок анализларыннан үтказди. Шу  
босдан ҳам у қора тупроқларга донир материал-  
ларни яхши билар эди.

Менделеев доздрыгы замон агрохимия асосчилары-  
дан бири сифатида қышлоқ хўжалигини кимёлаш-  
тириша ғоясина ҳам илгари сурған олим эди. Үннинг  
ерга ишлов берши ва унга түрли ўтлар экши, икота  
даражатзорлары барло қишлоқ, сурғориша ван кимәвій  
үйтлардан Фойдаланыши ҳамда минерал ҳом ашё-  
ларни химиявиянда қайта ишлаш ва башқа масалаларга  
донир қиммитли фикрлари ва амалий кўрсатмалари  
ҳозир ҳам ахамиятлайди.

Менделеев шаға даврда көнг тарқалған гайри-  
имлики «тупроқ үннодорларыннег пасайб ғорниш  
назариясы»га кескін қарши чиқди. Бу назарияннег  
асоссизлігити ишботлаб, ер үннодорларыннег оши-  
ришиң چексиз имкониятлары борларыннан кўрсатиб  
берди.

Бу улуғ зотыннан үшаббуси ва бевосита иштироки  
билан 1867—1869 йилларда Москва, Смоленск, Пе-  
тербург ва Симбирск губернияларыда ерик чуқур

# СўНМАС ИЛМИЙ ЖАСОРАТ

ҳайдаш системасынн үрганиш ва ўғитлар самарасын  
акиасында бўйича кўплаб тақрибалар үтказилди.

Бу ишларда Фаол иштирок этган, үшанды нисба-  
тан ёш бўлган К. А. Тимирязев кейинчалик «Ана шу  
тақрибалар системаси Россия шароити учун дәхқон-  
чиликдаги дастлабки ютуқлар эди, деб баҳолади.

Тақрибалардан олинган фактни материаллари  
асосида Менделеев нордон тупроқларни оҳаклаш,  
кукунлаштирилган фосфоритлардан Фойдаланниш,  
суперфосфат, азотли ва калийни үтқилти түрги  
кўллаш, экинларга минерал ва органик үтқиларни  
аралаштириб кўллаш самарадорлариги каби тақдирлар  
билин бир каторда үсимиликларнинг янги наявларин  
яратиш ҳам мұхим эканнингин кўрсатди.

Менделеев асарларидан, шунингдек, кўйи Волга  
өрларини сурғориша, Россияда дәрёларда кема қатно-  
виина яхшилаш, янги темир ўйлар курниш, Шимолий  
денигиз ўйларни алоқасынин яхшилаш, Артикани  
үзартыртиш каби мұхим проблемаларга алоқида  
эътибор берилган. Олим табнат мухофазасига, жум-  
ладан, ер бойлукларидан оқилона Фойдаланыша  
чақириди.

Менделеевнинг бу ишлари кўпгина мамлакатларда  
ҳам қадр-киммит топди. Шунинг үзүн у рус ва  
чет ал академиялари, олимлар жамияти ва ўқув  
юртларыннег 130 дан ортиқ диплом ва фахрий ун-  
вонларига сазовор бўлган эди. Биз буғун буюк  
олимнинг улуг ишлари мамлакаттамизда ва жағон  
миецида зўй эззозланыб, үннинг номи абадийлашга  
негизиб.

Дарҳақиат, мамлакаттамиздаги қатор физика, хи-  
мия институтларда Менделеев номидағы стипендия  
ва мукофотлар тасьисе этилган.

Ўзбекистонде олимлар орасида биринчи бўлиб  
Сабир Юнусов алколоидлар кимеси соҳасидаги сама-  
ралар илмий тадқылтары учун 1971 йылда СССР  
Фанлар академиясы Президиумы ва Д. И. Менде-  
леев номидаги Бутуниттифоқ кимёлгарлар жамияти  
Марказий Правлениесининг Д. И. Менделеев номи-  
даги катта олтин медали билан мукофотланы.

Барча қардosh республикаларда Менделеев номи-  
даги Бутуниттифоқ кимёлгарлар жамияттасыннег Филиал-  
ларни ишлаб турнибди. 1955 йылда Америка олимларыннег  
синтез қилган 101-кимәвій элементтеги буюк олим  
номи билан менделеев деб аташын позим топдилар.

Ҳа, ватандошилар 150 йиллиги ғанимнаннан  
анынанави байраны сифатида ван маданияттамиздиннег  
анынанави байраны сифатида көнг қишлоқларнан

Шариф НАЗАРОВ,  
химия фанлары кандидати,  
Исмоил БОВОХУЖАЕВ,  
қишлоқ хўжалик фанлари  
кандидати

# Генерал Равшанов

Ўзбекистон ССР ҳали ёзувчи, Ҳамза номидаги республика давлат мукофоти лауреати Иброҳим Раҳим янги роман ёзи. Бу асар Улуг' Ватан уруши мавзуига бағишланган бўлиб, унда немис-фашист қўшишининг Москва бўясасида тор-мор қилинини тасвирланган. Романинг бош қаҳрамони ўзбек ўлони — генерал Темур Равшанов. Автор бу образни севиб қаламга олади, шу қаҳрамон таҳқирига боғлиқ равишда совет қишиларининг интернационал дўстигигини, уларнинг мустаҳкам эътиқодини бадий ифодалашни ўз максади деб билади.

Кўйида шу романдан парча эълон қилимоқдамиш.

**K**ОП-КОРА осмонда миллилаб турган бир тўда кўлдуз куршовида сарғиши ой музлаб, соvuқда қайшиб-куйлиб турарди. Унинг киши тунига мос будои соёйини тўстадан янратган сигнал сайдоси бузуд. Сигналнинг карнайи бозоята хониш қўларди.

Бу садонинг ҳукмдор қудратини олиник аскарларгини билардилар.

Генерал Равшановнинг отлиқлари шу қаҳратон тунда сурон сигнали билан отланниб, полк кетидан полк, эскадрон ортидан эскадрон бўлиб, бомбалар калпаклаган, снарядлар синдириган дараҳтлар оралигида, ўрмон ўйлакларида сафга тизилдила.

Отлиқлар сафининг бошида кенг елкали, бари узун, енгисиз тимкора чакмони ичидан кумуш шамширини ярқатлиб, шпорларини жаранглатиб, дивок Равшанов пайдо бўйди. Кулланган қоракул палахаси остида кўзлари ёнбик кўринган генералнинг оғизидан чилин тутунига ўхшаш ҳовур чиқиб, совукнинг баттол қаърига сингиб кетарди. Унинг назарида, сафдаги отлар ҳам гўё сигарета чекиб, тутиш кайтараётгандай эди. Отларнинг пишиқириғидан чиқиан ҳовур тизинга ёнишиб қолар, қайшларига қирор бўйиб кўнради. Отларнинг чоптиси келарди. Бир жойда туриш уларга зерикарли бўлганидан ташкири, ҳаракат тўғунин кизитиб, баданини иситарди. Шунинг учунни, отлар одиниги ёқларни билан тошдай котган кор музини тирина бўтиричиларди.

«Стояты! — Жим тур!» деган овоз отларни андак тинчтаса-да, ҳаят ўтмай яна шу ҳаракат тақрорлашар, түёклар қор кавлаб, муз кўчиради.

Аскарлар эгарда ўтирганлари учун отлардан кўпроқ совқотмоқда эди. Улар баъзан қўлларини ишқалаб, гоҳо қулқарини аста силаб қўйдилар. Кулоқинни теллаклари бўлгани билан қулоқинни туширишга рухсат йўқ эди. «Отлиқ аскарнинг ҳамиша кўзига ўшшёр, кулоги очиқ туриши керак!» дер эди Равшанов.

Равшанов ҳар бир полкни албатта полк командори иштирокида вазвод-ма-вазод, эскадронма-эскадрон кўрикдан ўтказди. Унинг олдидан ўтган отлиқлар эгарда ихамн ва маҳкам ўтиришдан тортиб, отларни бошақришгана намойиш қидилар. Равшанов отларнинг бош тебратиб, тўёқ ташлашига қараб ё отдан, ё аскардан нуқсон топарди.

«Бу аскаринг ҳали хомроқ экан—тизигин тортиши билмайди. Буниси нега отига шпор ниқтатиши?» — дер эди у командорларига улардан ана шунгун этишиб бериниш талаб қилиб. Эгар устида қўйналаётган аскар авзойига қараб: «Отниң тақасини текшири», деб буюардилар.

Оқсоқонлинг вазводида энг эпақсан чавандоз Равшановнинг кўзига бўлиб кўринган.

— Ботир учар чавандоз эди-ку. Эгарда нега зўрга ўтирипти? Аваёни ҳам бузуқроқ...

— Оти ўзиники эмас. Ҳалок бўлган вазводом отини беришган экан, тил топишомляпти,— деди Ваҳобов.

— Оти ўтганани?

— Штурманчилардан кейин сўйиб, қази қилишиб. Ботир ўз отини жуда яхши кўрарди...

Равшановнинг биқинида майор Ко-

— Казакларга ёруғлик кун ҳам бор экан-ку!

— Анави мўйлов Грицкоми?

— Грицко.

— Эгарини орқасига танғиб олгани нимаси?

— «Часовой тутар арқон» эмиш. «Штабъ штурм вақтида керак» бўлармиш.

— Жуда соз ўйлабди Грицко.

— Ҳар куни битта янгилик ўйлаб чиқарди: калласи — машина!

— Грицкога ўҳашшалар кўуми полкингиздайди?

— Ҳар эскадроннинг ўз Грицкоси бор. Саналса, анчага бориб қолади.

— Ушаларни кўз ўнгингизда сакланг, керак бўлади.

Равшанов казаклар полига таъна қиладиган нуқсон кўрмасада, Коваленковга ҳам бошқа командирларга айтган гапини тақрорлади:

— Такаларни пухта қоқиб, айиларни қаттиқ тортинг, қиличларнинг

май, қишинамай, шарпасиз жим ва хўшӯр одимларди. Уларнинг жанго-вэр тартиби, отларнинг бежирим шарпасиз ўтиши, айнича, разведкачи-ларнинг теварак-атрофга синчковлик билан кўз ташлаб бориши Равшановга майсум бўлди шекилини разведка эскадрони командирини ўз олдига чакириб олди.

— Янги завод командиринг қалай! — деб сўради ундан.

— Уруш кўриб, эти ўлган одамнинг седагаси кетсанг арзиди. Биз ундан кўн нарса ўргангизиз. Жангчилар ҳам ундан мамнун. Уставни сув қилиб симириш бошқа, уруш ўтида тобланив чиқиши бошқа экан... Отилган тўпнинг овозидан ўқи қаерда портлашини олдиндан билади азamat.

— Бу йигит урушнинг марта пешчига кириб, дўзахдандин бутун чиққан,— унинг гапини маҳкуллагандай луқум ташлади генерал,— унга таянсангиз, адашмайсиз, эском!



Н. ИБРОҲИМОВ чизган рәсм

валенков ҳозир бўлди-да, қувнаб туриб ғал қотди:

— Менинг қазакларим хандақларда музлаб қолишиган эди, от устида чўғдай бўлиб кетишди. Ўзимнинг ҳам ҳавасим келлапти уларга.

Қазакларни от устида кўринг-да. Эгарда бамисоли бургутдай! Кўзлари уккени ҳам онтаргудай! Кўкраклари гўё от ёлига етганига олга интилган, ёқлари узангина дутор торидай тараг килиб, созлаб боришарди. «Олға!» деган командани кутгандай кўшир бўйардилар.

— Қазакларнингга жуда қувнок иш топиб қўйим, подполковник Колленков! — деди дивоком қазакларнинг командирига.

дами ўтиқр бўлсин. Аскарларнинг руҳи баланд. Бундан ярим парда ҳам пастлатманлар

Пулемётчилар билан разведкачилар эскадрони, зениткалар дивизиони махсус текширишдан ўтди. Рейдда бу жанговар отрядлардан умид катта эди. Шунинг учун уларга кўрикда қаттиқ талаб қўйилди.

Разведкачилар гўё бутун эскадрон билан «овғат» бораётгандай жанговар тартиби кўрикка чиқидилар. Иккни отлиқ дозорда, уч отлиқ олдинда, иккитадан биқинда — иккни бўлумни авангард бўлиб бораради. Иккичини вазод асосий куч бўлиб, Шавкатнинг вазоди резервда турарди. Отлар қулогига қўйиб қўйилгандай пишқир-

Отларнинг дум силтаб, майдо одимлаб кетинини кузатаркан, Равшанов эскадрон командиридан сўради.

— Отларнингиз бугун ем емаган шекилли.

— Арпо беришмади.. Полклар тади кетишти, бизга тегмай қолди,— деди Султонзозов.

Дивизия командири адъютанти Асатуловлаевга: «Дивинтендан чиқирин, қаерда бўлса ҳам етиб келсин», деб буюрди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, дивинтендант ҳаллослаб келиб, рапорт бершига чоғланди:

— Ўртоқ генерал!..

— Ба! Рапорт ўрнига бир жумбоқча жавоб қила қолинг.







Бола гулдек нозик, ҳамиша парваришга муҳтож. Пойтахтизмизнинг Юнусобод мавзейидаги ёнги, Кенг миқёсли 5-сон болалар шифохонасида бўлганимизда, бунга яна ишонч досил қидик.

Бу шифохонани болалар дам оладиган кўркам ва сўлим даргоҳ, дейиш мумкин. Равон йўлкаларнинг иккى ёнига ўтказилган ям-яшил арчалар алоҳида чирой берби турабди.

Бош врач ўринбосари Раҳимжон Каримов бизни ичкарига бошлади. Кенг, ёруғ, шинам залларда сокинлик ҳуқум сурарди. Бу ерда ҳар бир безак ва стенд болаларнинг дидига мослаб жойлаштирилган.

...З-хирургия бўлимига кирамиз. Ҳозиринга операция туғади. Бўйим мудири хонасига кирдик, Бу ерда стол устидаги «Таклиф» ваз мулҳозалари дафтарига кўзимиз тушди. «Қишлоқ докторлари ўғлини Бурхонконинг қовуғида тош борлигини айтишиди. Бу тош унга тўсатдан қаттиқ азоб бера бошлади. Узаро маслаҳатлашиб, ўғлини зудлик билан Тошкент шаҳридаги 5-болалар касалхонасига олбик келдик. Бурхонконин З-хирургия бўлимига ётқизиши. Уни шу куниёқ операция столига олдилар. Кўлинг дард кўрмагур Нормирза Эргашев ўғлини дардан холос этди. Мехрибон ҳамширлар: Озодакон, Мұҳаббатхон, Наймахон ва Мунжотхонлар ҳам фарзандиҳизнинг тез соғайиб кетиши учун жонкуярлик қилишиди. Биз улардан бир умр миннатдормиз. Роҳила Ашурова, Тошкент облости. Чин юрақдан айттилангандай савимий ташаккурномалар бўйим дафтарига кўплаб битилган. Уларда оқ, халатни халоскор шифокорлар шаънгига бир олам олқиши ҳамда тилаклар ифодаланган. Биз ҳам моҳир шифокор Нормирза Эргашевининг ҳалол хизматларидан манинг бўйим, қўши бўлимига ўтди.

Мана, даволаш жисмоний тарбияси кабинетидамиз. Бу ерда тажрибали врач Татьяна Умрихина бемор болалар билан машгулот ўтказаётган эди:

— Операциядан кейин маълум муддат ўтгач, жисмонияни чиниқтириш беморнинг тезроқ соғайишига ёрдам беради,— деди Татьяна Александровна.— Бу усул пневмония касаллигини даволашда ҳам бизга кўл қалайтири.

Машгулот туғади, болалар аста-секин ўз палаталарига кириб кетдилар.

Шу вақт кимдир келиб, бир иш билан кетган бош врачнинг келганини айтиди. Рустам Қосимов бизга шифохона колективининг хизмати ҳақида батафсили гапириб берди.

— 1979 йили ишга туширилган шифохонамизда бир вараждига 515 бемор даволанади,— деб ҳикоя қиласди бош врач.— Ҳозир хирургия, кўз касаллиги, терапия бўлиmlари ҳамда физиотера-



Хирург Нормирза Эргашев, ҳамширлар Салима Шарифбоева, Құмадам Миржалолова, Зухра Солиқова, Фотима Фаниева.



Даволаш жисмоний тарбияси кабинети врачи Татьяна Умрихина бемор болалар билан машгулот ўтказмоқда.

Н. Шарипов фотолари

лия, рентген кабинетларининг ходимлари, тегишлик лабораториялар бермөларларга мунтазам хизмат кўрсатмоқда. Барча бўйимлар замонавий даволаш техникини асбоблар билан таъминланган. Бизда болаларга тиббиётнинг барча соҳалари бўйина хизмат кўрсатиш имконияти бор. Уларга ҳамма қулайликлар дратилган. Малакали жонкуяр арачлар, тажрибали ҳамширлар ҳамиша бермөлар бошида парвона. Шифохонамизда бермөлар учун шарот ва имкониятларни янада кенгайтириши ҳарқатидамиз. Йигандан курилиб битган кўп қаватли иккى бинода урология, неврология, пулмонология ва поренология бўйимларини ташкил этамиз.

— Еш болали оналар учун алоҳида бўйим ташкил этиши ниятимиз бор,— деди Рустам Холтоғанинин гапини тўлдириди бош хирург Раҳимжон Каримов.— Бўндан бўйим зарурлигини маҳаллий шарот тақозо қильмоқда.

Суҳбатимиз туғади. Биз фарзандларимиз саломатлигини мухофаза қилиш йўлида туну кун ҳалол хизмат қилаётган мэхрибон шифокорлар ишидан манинг бўйиб қайтдик.

А. ИСОМИДДИНОВ

## Саломатлик-туман-бойлик

Мұҳим илмий анжуманнинг шаҳримизда чақирилиши бежиз эмас эди. Фанинг бу соҳаси бўйича Тошкент мактаби эндилиқида Иттифоқ миқёсida йирик илмий марказлардан бири бўлиб қолди. Шу мактабнинг асосчиларидан бири, ҳалик айтганимиздек, академик Карим Аҳмедовдир. Мазкур конференция катнашчиси, Ленин ва Давлат мукофотлари лауреати, Социалистик Мехнат Ҳархамони И. В. Петрянов-Соколов, Тошкентда коллоидлар химиаси тез суратлар билан ривоҷланниб бораётгандигини, бу соҳада эришилган ўтуклар ҳалик ўхжалигингин турли соҳаларидан мувваффатларни қўлланилаётгандигини мамниуният билан таъвидлади.

Дарҳаққат, атоғли химик Карим Аҳмедов сингари етук олимларимизнинг хизматлари билан коллоидлар химияси фанни назарий ва амалий йўналидаша янги поғонага кўтарилиди. Айниқса, коллоидлар хи-

мияси мамлакатимизда Озиқ-овқат программасининг бажарилишида ҳам мұҳим роль ўйнамоқда.

\* \* \*

Устоз табиаттан камтат, айни вақтда талабчан ва ишчан раҳбар, меҳрибон мурраббий ҳамдир. Биз шогирларди доим ғамхур устознинг саҳоватидан, қимматли маслаҳатларидан баҳрамандмиз.

— Инсон онгли, мураккаб мавжудотидир,— деди устоз биз шогирларди билан қылган сұхбатида. — Чинакам инсонийликка хос бўлган фазилатларни санаб чиқиши қийин. Негаки, ана шу фазилатларни ўзи яратади. Инсона, биринча наъбатда она диёрга, давлатга, ҳалқка, умумга, одамларга фойда келтирсанги, унинг фазилатлари кадрланади, эъзозланади. Динкаш, олиханоб одамларга калбингни пойнодз қиссанг арзиди. Негаки, уларнинг қалбидаги жўш-

кин ҳалоллик, поклик доим яхшиликка даъват этади. Ана шу юқсан инсоний фазилатларнинг ҳаммаси устознинг ўзида мужассам. Унинг бу ажойиб инсоний фазилатларни биз шогирларди учун ибрат. Ана шундай ғамхур ва мэхрибон устозимиз билан ҳамнафас ишләётгандигиздан фахрланамиз.


Академик Карим Аҳмедов ўзининг 70 ёшини юқсанади. Биз босқичда янги илмий реjalар билан кутуб олмоқда. Биз ҳам устозимизга сиҳат-саломатлик, унинг ҳайрли ишларига катта муваффакиятлар тилаймиз.

**Кудрат АҲМЕРОВ,**  
химия фанлари доктори  
**Норпоша ГУЛОМОВА,**  
физиология фанлари кандидати  
**Тўлқин МИРКОМИЛОВ,**  
техника фанлари доктори









дарс ўтиши, синдошлари эса навбатма-навбат келиб, дарсларни ўзлаштириб олишига ёрдамлашиши. Албатта, ўз хизмат бурчини бажармай, ишга чап берадиган бетгачопар кишилар ҳам базлан учраиди. Лекин Қосимга оликаноб, фидой одамлар күпроқ дуч келди. У бундай одамлардан яхшиликини, одамийликни ўрганди.

Унинг дардига даво истаб, Тошкентга олиб келишибди. Ушандан бўйну ерада истиқомат қилади.

Қосимжон Тошкентдаги 22-мактабининг 7-синфини сиртдан тутгатгач, Бенъяков номидаги рассомли билим юртига ўқишига кирди. Рассом бир жойда ўтираслиги керак, бое-роғларни, тоғ-тошларни тинмасдан кезиши, изланниши лозим. Ана шундагина янги асар туғилади. Қосимжоннинг эса бунга имкони йўқ эди. Шунинг учун ҳам ҳайкалтарошлик бўлимида таҳсис олишини лозим кўрди. У устози Филипп Иванович Грищенконынг синовидан муввафакиятли ўтди.

Шундай килиб, Қосим ҳайкалтарошлини билан шугуллана бошлади. Дастилбки топширикни бажараётганинг даги чеккан азобларини сўз билан таърифлаш қўйин. Лекин буарнинг ҳаммаси орта қолди. Олдинда эса, дардни енгизи, завқли ижодий меҳнати қувончлари кутмоқда эди.

1963 йилда Тошкент облости бўйича ўқказилган кўргазмада унинг бир канча ишлари ҳам намоиш этилди. Шулардан бирни «Бола ва каптар» композицияси мазмуни, тасвирийлиги билан санъат мухлислариди яхши таассусот ўйғотди.

1965 йилда Узбекистон ССР Рассомлар союз биносида Қосим Мирзарахимовнинг шахсий кўргазмаси уюштирилди. Кўргазмага кўйилган асарлар унинг номини Иттилоғимизга танитди. Шундай сўнг у мемлакатимизнинг турли бурҷакларидан жуда кўплаб хатлар олди. Бир гурух красноярск пионерлар унинг ҳузурига келиб, сұхтлашиб қайтилар. Красноярск шаҳридаги 77-мактабдаги бир отрядга Қосим Мирзарахимов номи берилди. Ҳайкалтарош эндилиқда ҳар йили бу мактаб ўқувчиларининг азиз меҳмони бўлади. У ўзининг бир



Узбекистон мевалари.

канча композицияларини мактаб дирециясига совфа килган. Қосим Мирзарахимов билан Соҳидаги Николай Островский музейи ходимилари ўртасида ҳам мустахкам дўстлик муносабатлари ўрнатилган. Чунончи, Николай Островский ўй-музейидаги ўзбек ҳайкалтарошининг шахсий кўргазмаси 8 ой давомидаги намоиш этилди. Унинг ишларини жуда кўп кишилар келиб кўришида ва илиц фикрлар билдиришиди. Автор 5 та портрет ва 15 та композициясини музейга совфа килди.

Шундай: Қосим Мирзарахимов ўз асарларининг мазмунини ҳаётдан излайди. У жуда оддий, кундалик турмушимиз воқеаларини ак эттира туриб, катта мазмунни ифодалайди. Масалан, унинг «Тинчлик керак» композициясини олайлик. Иккни бола: бирининг кўлида олма, бирининг кўлида узум. Узум ушлаб турган бола дўстининг оғизига узум донасини тутмоқда. Бу композициядан иккни мурғак цалбининг: «биз шундай тинч ҳаёт кўйинда яшашни хоҳайни», «Бизага тинчлик керак!» деган ҳайқириклиари бадийин ифодасини топган. Ҳайкалтарош яратган асарлардан яна бирни «Келакак» деб аталади. Унда ер шарини кўтариб турган космоснавларга ер шари устида бола тасвириланган. Бола кўлларини иккни томонга ёғланчина, одамларни тинч яшашга, тинчлик учун курашга чорлабтандай... Узок-узокларга тикилганчина, кўлларини ўринидик суюнчигига кўйиб, хўёлга ботган Николай Островский портрети ҳам киши қабига кучли таъсир этиди. Унинг эгнида гимнастёрка, кўксисда Ленин орден порлаб турди.

— Николай Островскийнинг: «Мехнат барча даррлардан халос этиувчи самимий шифокордир», деган ҳикматни сўзлари ҳаётмининг мазмуни бўлди,— деди Қосим Мирзарахимов биз билан сұхбатда.— Мен Советлар даврида туғилиб, камол топдим. Оғир дард туғифли қаниқ ҳаёт кучонида бўла слмасам ҳам, яккаланиб қолмадим. Ҳайкалтарош сифатида санъат мухлисларига манзур нимаики яратган бўлсан, буарнинг ҳаммаси одамларга, ҳаётга бўлган мухаббатим мевасидир.

Дарракиқат, у иштиқб билан, бутун вужуди билан, ҳаётда ёрқин из қолдирниб яшашга интилади. «Ҳаётга, одамларга бўлган буюк мухаббатигиз бир умр сўнмасин, мұхтарам ҳайкалтарош!» дегимиз келади.


## ҲАЁТГА МУҲАББАТ

Инсон гўзалликка интилади. Унинг қалбида атроф-муҳитга, одамларга нисбатан доимо бир ишонч жўш урб туради. Бу — яшаш, яратиш ишқи. Бу — умрни эзгуликка фидо кишиштиришни интилади. Қосим Мирзарахимовнинг ҳаётидаги ҳам шундай кечинмалар тез-

тез содир бўлади. У — рассом, ҳайкалтарош. Энг муҳими, қалб кучига, ҳаётга бўлган мухаббатига суннган матонатли инсон.

Уни Чимкентда, 4-сinfda ўқиётган кезларida оғир дард — полиартрит иккитди: бир кўли билан бир обеи ишламай қолди. Аммо норасида дардга бўйсунмади. У тўшакка михланиб ётгани кўйи дераза ёнида гуллаётган ўрнини, эркин парвозд қилиб юрган кушлар расмини чиза бошлавди. Ўқитувчилари унинг уйига келиб

**Ҳайкалтарош Қосим Мирзарахимов  
асарларидан намуналар**



Тинчлик керак.



Шеслик.



## ФАЛОЧИ АКАМЛАР

«Фалончи» аканинг имзолари йўқ,  
Бузис мишигизининг битмоғи қийин». Хонадан чикаман бамисоли ўқ,  
Фалончи акани излайман кейин.  
Мен билган, билмаган бир тўда иши  
Навбатга кутишади, барин боши ҳам.  
Шундай дер котиба:

— Бўғун кўп иши.  
Фалончи акамлар бандлар жуда ҳам!  
Эртаси кун келиб, айни саҳардан,  
Навбатга турман биринч билиб.  
Кимдир келиб қишлоқ, кимдир шаҳардан —  
Кабулхона қолар одамга тўлиб.  
Яна котибанинг овози янгар:

«Йўқ, йўқ! Бандлар, кирманг хоналарига!»  
Ичкарида бошлиқ хәл сурар жим,  
Тикилганча шахмат доналарига...

Шозамон МИНГБОЕВ



Мана, сенга совфа келтирдим, жонгинам.

Айрим мутасадди ташкилотларда электр-ҳисоблаш машина-паридан етарли фойдаланимлаётir.

А. ХОЛИҚОВ чизган расмлар

— Қара-я, шунча ўйнасан ҳам бир-биримизга ютизмаяп-миз.

— Аммо бизни вақтида ишга туширмаётган акахонлар ют-казишияти.

## ҚИНГИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

### ҲАЖВИЯ

Кечқурун ёға бошлаган ёмғир тонга якни қорга айланди. Шу куни район матбубот жамиятининг омбор мудири Исмоил ака ниманингдир ҳисобига етолмай, туни билан чут қоқиб чиқди.

— Онаси, аччин чой дамлаб кел, кўзим юмилиб кетяпти.

Мақсада опа чой дамлаб келди, чойнакни хонтахта устига қўйиб, эрига деди:

— Шу түғилган кунингизни қишиклиласига кўчиринганинг менга ёқмай туриби. Дадаси, сира тушунолмай қоғдим сизга, илгарилари түғилган кунингизни қувон пишиғига ўтказардингиз-ку?

Исмоил ака хотинига ачиниш билан қараб, кўрсаткич баромогини бигиз қиди:

— Соддасан хотин, соддасан! Олдинги бошлигни түғилган кунини қувон пишиғига ўтказар эди. Янги бошлигимиз эса түғилган кунини янги йил арафасида ўтказар экан. Энди тушундигим? Бошқармадаги сунанса бўладиган ўртоқлари ҳам зиёфатга таклиф килганман. Улар куруқ кў билан келишимайди. Кеча унангга вактироқ келиб, бокувдаги қўйин сўйиб, пўштими зиралаб қўйинши тайналдим. Шермат шоффер бир яшик коњъяқ билан икки яшик ароқ олиб келди. Колган кераки нарсаларни Раҳидан берib юбораман. Самиг билан Пўлат қозон бошида бўлишади. Хуллас, ҳамма ишлар режали тақсимланган. Сенга юмуш қолмайди, чучим.

Эртасига Мақсада опа ошхонада тушлик тайёрлаётган эди, тўсатдан телефон жиринглаб қолди. Трубканни кулогига туди, эрининг бўйиқ товутиди:

— Сенга кўрсатган ён дафтарчани уйда қолдирибман шекилли, қараб кўр-чи!

Үйнине бир сидра ахтариб чиққача, Мақсада опа трубкага:

— Алло... Эшитапсизми? Ҳеч қандай дафтарчча йўқ. У ёк-бу ёғингизни тузукрон каранг! — деди.

Ҳеч қанча ҳаял ўтмай, Исмоил ака этиб келди:

— Ишиклиб топилсин-да, агар йўқолган бўлса борми, базани ОБХС босди дэвлер, ҳаммамиз аспаласонинг кетамиз, — деди у ҳоялиқинг.

— Юрагим ўйнаб кетяпти, айтако-линг.

— Айтсан, юрагинг кинидан чи-

қиб кетади, менинг айтмаганим, сенинг эшитмаганинг мәъқул.

Мақсада опа бўзграйб қолди, гапирмоқчи бўлди-ю, лекин овози чиқмади. Бирдан Исмоил ака:

— Базага келган жамки дефицит молларни дўконларга тарқатмай, шу ернинг ўзида дафтарчадаги рўйхат бўйича гумдан қилардик, энг хавфлиси шуки, чўтал ҷўзига туриладиган одамларнинг рўйхати ҳам шу дафтарчага битилган эди-да, — деди.

Ўйнинг эру хотин тинтиб чиқмаган жой қолмади, лекин дафтарча то-пилмади. Улар бир-бираига тикилди, қолиши. Исмоил ака чуқур хўрсинди-да:

— Бўлар иш бўлди. Зинҳор бирорга оғизингдан гуллай кўрма, — деди.

Дастурхон атрофи мемонлар билан тўла. Тўрда бошлиқ хотинни билан савлат тўкиб ўтирибди. Кичик бухгалтер даврани очиб, табрик учун бошлини сўз берди. Бошлиқ аста ўрнидан турип, узундан-узоқ нутқ сўзлаб, биринчи қадаҳи Исмоил аканинг соглиги учун кўтарида. Кейинги қадаҳлар шу хонадоннинг баҳт-саводати учун ичилди. Бирин-кети кўтарилиган қадаҳлар жарангни кучагандан кучайди. Хуллас, зиёфат кўнгилдагидек бўлди.


Шу кечи мемонлар алламаҳадда тарқалиши. Уй хувиллаб стод устидаги пала-партши ёйилган ташмларни ичикиликдан бўшаган шишаларгина ётарида. Кулданларда тутъётган папирос колдикларининг томокни кирадиган ноҳуш хидидан Исмоил ака бўйилб, кўйлак ёқасини ёчиб, деразанинг иккига табакасини очди. Хона тоза ҳавоги тўлди. Аммо буни уй эгаси сезмади.

Ойдин киш туни. Юлдузлар чараклаган, аммо Исмоил аканинг кўнглигига чироқ ёқса ҳам, ёримас эди. Юлдузлар ОБХС ходимларининг кўзлашибига ўшшиб кўринар, унинг ён дафтарчасини кўздан кечирраб, тергов кўлаётгандек эди. Шу пайт кўча эшик кўнгирого каттия жиринглаб қолди. Эру хотин баравар эшик томон ютуришиди.

Улар эшикни очганда ранги қув оқарган Раҳим турарди:

— Исмоил ака, ҳаммамиз кўлга тушадиган бўлдик,— деди у ҳоялиқи, — дафтарчанинг ОБХС ходимларири қўлига тушнибди...

Анвар САИДУМАРОВ





## Буталар ва антибиотиклар

Қалампирдошлар оиласиға мансуб буталы ўсмиллик — бетель япроқлари таркибидан турли хил актив моддалар мавзуд. Ҳаной доришнослик институтининг паразитология кафедрасида олиб борилган таҳрибалар натижасига кўра, бетелдан барча хилма-хил бактерияларни йўқотиши фойдаланиш мумкинлиги ишботланди. Кўлгина Ҳаной шифохоналарида тишларни даволашда бетель япроқларидан тайёрланган мой қўлланилмоқда.

Жомолунгма

чўқչиси

тозаланмоқда

Дунёдаги энг баланд чўққилардан бўлган Жомолунгма [Эверест]нинг жуда ифлосланниб қолгани жамоатчиликни ташвишлантириб кўйди. Буннинг сабабчиси дунёнинг турли мамлакатларидан келган альпинистлар чўққига кўтарилаётганда йўл-йўлакай бўшаган консерва банка, шиши каби турли чиққидиларни ташлаб кетавергандар. Эндиликда Ҳиндистон альпинистлар ўюшмаси Непал ҳукумати билан биргаликда «Жомолунгман» [Эверест] тозалай деган широр остида операция ўтказа бошладилар. Ҳозир чўққига кўтарилиган ҳар бир экспедиция катнашиси чиққидисини ўзи билан олиб тушадиган бўлди.



## Узоқ умр гарови

Муҳаммад Аҳмад Сулаймон — Иорданнада истиқомат қўйувчи энг иккса кишинидир. Яқинда у 132 ёшга тўйди. Муҳаммад Аҳмад Сулаймон ўз сұхбатларидан биррида ўзининг узоқ умр кўришси сирин очиб ташлди. Бу сир жуда ҳам oddий. Узоқ умр кўраман деган киши тамаки чекиш ҳамда спиртили ичимликлардан тишиши, лимон, қалампир ва бошқа аччиқ маҳсулотларни иштевомдан чиқариб ташлаши, зайдун ёғини ичмаслиги керак. Бу насиҳатларнинг ҳақонийлигига шубҳа қилиш кўйин — ахир, уларни 132 ёшга кирган одам айттаётир-а!

## Улкан ва митти

Оқ акулаларнинг улканлиги кўлдан маълум. Уларнинг оғирлиги учун тоннага, узунлиги эса 10 метрга етади. Бироқ Атлантик океанда тутилган энг кичик йиртқич акулаларнинг узунлиги эса, аттиги 12,5 сантиметр. «Сейенс дайкест» журналида шу хабар берилди.

### МУҚОВАДА


Биринчи бет: Мехрибон ҳамшира.  
Тўртинчи бет: Қулупнай пишганда.

М. Пеньсон фотолари

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсантилиши шарт.

Бу сонда «Правда», «Известия» газеталарининг, «Огонёк» журналининг айрим материалларидан, «Ўзбекистон» нашриетида тайёрланган «Тошкентнинг 2000 йиллиги» альбомидаги баъзи рангли фотолардан фойдаланилди.



## «БУЮК ФАЛАБА» КРОССВОРДИ

Энига: 3. Қаҳрамон шаҳарлардан бири. 6. Совет Иттифоқи маршали, иккита марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 7. Снаряд ва ўқлар тайёблаш учун ишлатидиган портловчи модда. 10. Биринчи ўзбек генерали, Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 11. Офицерлик увонни. 12. Кема ва самолётларни энг мувоғиғи йўлдан бошшарни борувчи мутахассис. 17. Фауф ғуломнинг Улуг Ватан уруши йилларида ёзган шеърининг номи. 18. Крив жангларида жасорат нўрсатган жангчи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 19. Литва совет ёзувиши М. Слуцкис романи. 21. Атоғли ҳарбий арбоб, тўрт марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 22. Белорус халқ шоирин, «Қасос» достонининг муаллифи. 23. Драматург Л. Леонов пьесаси. 24. Ҳарбийларнинг фарзи белгиси.

Бўйига: 1. «Ш гвардия» юшриян партизанлар ташкилоти аъзоси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 2. Тезотар курол тури. 4. Ю. Бондарев романи. 5. Жасоратли пионер, Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 8. Реантин куч таъсирида отиладиган курол. 9. К. Седихиннинг гранданлар уруши ҳақидаги асари. 13. Йирин куролли кучлар атамаси. 14. Днепр учун бўлган жангларда жасорат нўрсатган бухорлик жангчи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 15. Таникли совет авиаинженери. 16. Қўшилларнинг анъанавий намойиши. 20. Совет ҳарбий арбоби, армия генерали, Сталинград жангининг қўймандонларидан бири. 25. Гранданлар уруши қаҳрамони.

Тузувчи: Ф. ОРИПО-

### Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош рассом), Махмуд МУЙДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Азиз ҚАЮМОВ, Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ (масъул секретарь), Ислиддин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ, (бош редактор ўринбосари), Ҳаким ҲУСНИДДИНХУЖАЕВ.

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана [на узбекском языке].

Адрессимиз: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 333520; бош редактор ўринбосари — 333590; масъул секретарь — 325833; ижтимоий-сийёси бўйим — 333602; адабиёт ва санъат бўйими — 333659; фан ва маданият ҳамда рассомлар бўйими — 325832.


Босмахонага туширилди 18.12.83 й. Босиғга руҳсат этилди 13.01.84 й. Р — 11021. Когоз 70×1081/8. Ботиқ усууда босилди, Шартли босма тобоқ 5.6. Нашр хисоб тобоги 7.80. Тиражи 234710. Буюртма № 2395. Нашр В — 109.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Мехнат Қизил Байрон орденли босмахонаси, 700000, Тошкент. ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.




Ф. КАГАРОВ. Осмонимиз мусаффо бўлсин!

Москвада, СССР Рассомълик академияси залларида бўлиб ўтган — «Сатира тинчлик учун курашда» — IV Халқаро кўргазмада жаҳоннинг турли мамлакатларида яшовчи 300 дан кўпроқ рассомларниң асарлари намойиш этилди. Бизнинг республикамиздан бу анъанавий ва нуфузли кўрикда 12 рассом ўз асарлари билан иштирок этди. Жумладан, Фаррух Кагаров туркум плакатлари учун кўргазманинг фахрий медали ва Бутуниттироқ «Плакат» нашриётининг сорини билан, Татьяна Тахтарова, Абдугофир Зиёев ҳамкорликда чизилган «Она сайёрани асроймиз!» ва бошқа плакатлари учун кўргазманинг бронза медали билан тақдирландилар.



Т. ТАХТАРОВА, А. ЗИЁЕВ. Она сайёрани асроймиз!

Г. ТКАЧЕВ. Бирорга чоҳ қазисанг, ўзинг йиқиласан.



ISSN 0134—2287

Бағыт 35 тайын

Индекс 75233.

